

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бир тўхтама келолмади

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Косовонинг мақоми масаласида бир тўхтама келолмади. Шунинг учун энди бу масалага ЕИ ва НАТО ечим топиши лозим.

Бельгиянинг БМТдаги вакили қайд этишича, Европа Иттифоқи муаммонинг ижобий ҳал этилишида етакчи роль ўйнайди.

Россия бу таклифга ўз эътирозини билдирди. Расмий Москвадан таъкидлашча, музокараларни БМТ доирасида давом эттириш лозим. Масалани Сербиясиз ҳал этиш келгусида катта мижозларни келтириб чиқариши мумкин.



Кореяда президент сайлови

Корея Республикасида президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, унда «Grand National Party» партияси етакчиси Ли Мен Бак 50 фоиз овоз олиб, галаба қозонган. У 2002-2006 йилларда Сеул шаҳри мэри бўлган.

Сайлов арафасида мамлакат парламенти ҳуқуқ идораларига Ли Мен Бакга нисбатан тергов ҳаракатлари бошлашга рухсат берган эди.

Парламентнинг қарори

Эстония парламенти кеча Ироқдаги чекланган кўшинларини 2008 йилнинг охиригача ушбу мамлакатда қолдириш ҳақида қарор қабул қилди. «АФР» хабарига айтилишича, мазкур масала овозга қўйилганда, депутатларнинг 53 нафари уни қўллаб-қувватлаган, 23 нафари қарши чиққан.

Парламент қарорига биноан, Афғонистондаги чекланган кўшинлар ҳам кейинги йил охиригача мазкур мамлакатда қолади.

Қутулдию тутилди

АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо қамқоҳонасидан озодликка чиқарилган Буюк Британиялик уч фуқаро — Жамил ал-Банни, Умар Дехейсе ва Абденнор Самеуре Лондон аэропортига етиб келишган заҳоти хибсга олинди. Уларга нисбатан теракт уюштириш айби қўйилмоқда. Қўлга олинганлар Буюк Британия прокуратураси томонидан сўроқ қилинган, махсус самолётда яна Гуантанамога келтирилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МТСнинг янги хизмати: «GOOD'OK»

Дўстларингиз учун ди-жей бўлинг!

Энди дўстларингиз сизга кўнгирак қилганларида оддий товушлар ўрнига сиз танлаган мусиқани эшитишлари мумкин!

«GOOD'OK» хизмати орқали сизга мусиқа ва ҳазилларни танлаб кўнгирак қилганлар оддий товушлар ўрнига ўзингиз танлаган ва ўрнатган мусиқа ва ҳазилларни эшитишлари учун ўрнатишингиз мумкин. Ким сизга кўнгирак қилса, сиз хоҳлаган мусиқани эшитишди.

МТС абоненти «GOOD'OK» хизматининг сайти www.goodok.mts.uz га кириб, 10 тагача турли мусиқаларни ва фильмлардан ҳазилларни танлаши ва ўрнатиши, алоҳида абонентларга ёки гуруҳларга ўз мусиқаларини ўрнатиши, шунингдек, кун ва вақтга қараб ҳам мусиқаларни ўрнатиши мумкин.

Хизмат бепул, фақат олинган мусиқалар учун ҳақ олинади (\$0,60дан \$2гача).

«GOOD'OK» хизматига қуйидаги усуллардан бири бўйича улашиш мумкин:

- 616014 рақамига «1»ни SMS орқали юбориб;
- «USSD» хизматининг *111*0141# рақамига кўнгирак қилиб;

компаниянинг офисига мурожаат қилиб.

Ва сизнинг рақамингизга 5 кун учун бепул мусиқа ўрнатилади. Шундан сўнг сиз «GOOD'OK» хизмати сайтига кириб ёки 0550 рақамига кўнгирак қилиб, овозли эс-латмалар бўйича турли-туман сезимли мусиқалардан ўзингизга ёқадиган мусиқани танлаб олишингиз мумкин!

Хизмат фақат Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари абонентлари учун улар рўйхатга олинган хизмат доирасида амал қилади.

Янги йил совғалари

болалар ва катталар учун

Тўлови — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: 173-96-14, 173-97-00, 276-52-91.



Саломатлик

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм вилояти филиалида «Юрак ва нафас йўллари касалликларида шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Япониялик ҳамширалар — Хоразмда

Тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япониянинг «Жайка» (JICA) халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда ташкил этилди. Семинарнинг ўтказишдан кўзланган мақсад — тиббиёт муассасаларида хизмат кўрсатаётган ҳамшираларнинг билим ва малакаларини янада оширишдир.

Тадбирда Япониянинг JICA халқаро ҳамкорлик ташкилоти вольтер-ҳамширалари беморларга шошилич тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ҳақида гапириб берди.

Семинарда маҳаллий тиббиёт муассасаларининг 100 нафардан ортиқ ҳамширалари иштирок этди. Япониялик тиббий мутахассислар билан мулоқотлар вилоятдаги бошқа шифохоналарда ҳам ўтказилмоқда.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекэнерго» ДАК

электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилаши зарур эканлиги тўғрисида маълум қилади.

Амалдаги шартномалар муддати узайтирилмайди. Шартномани тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши зарур.

Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:

- ҳисобга олинмаган ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса (маиший истеъмолчилардан ташқари);
- 2007 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида рўйхатдан ўтган «JAHON-TARAQQIYOTI» хусусий фирмаси тугатилади. КТҲТ 19737467. Даъво ва аризалар қуйидаги телефон бўйича қабул қилинади 374-26-06.

Электр энергиясидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланиши ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустақамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 512-сонли қарорига асосан, сиздан 2008 йил 1 январга қадар электр энергиясининг индукцион электр ҳисоблагичларини электр энергиясининг автоматлаштирилган назорат ва ҳисобга олиш тизимига (АСКУЭ) улаштириш кўзда тутилган замонавий электрон электр ҳисоблагичларга алмаштириш талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотларга электр энергиясини бериш тўхтатилади ва электр энергиясини етказиб бериш ҳамда ундан фойдаланиш учун шартнома бекор қилинади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси маъмурияти.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

UTBANK

«UT-BANK» Ўзбекистон—Туркия банки жамоаси

Ўзбекистон мусулмонларини қутлуғ байрам — Қурбон ҳайити билан муборакбод этади.

Яратгандан бунёдкорлик ва изланувчанлик йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг хонадонларига қут-баракат, файзу барокот тилаймиз.

Ватанимизда олиб борилаётган янги ислохотлар туфайли олис сафарларда бўлган бўлажак ҳожиларимизнинг дуолари ижобат бўлсин.

Юртимизга кўз тегмасин!



Ўзбекистон халқини муқаддас байрам — ҚУРБОН ҲАЙИТИ билан чин дилдан табриклаймиз.

Барча ўзбекистонликларга тинчлик-хотиржамлик, сихат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайди. Аллоҳ назари тушган юртимиз аҳлини табриклар эканмиз, тилагимиз шуки, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин, хонадонларимиздан файзу баракат аримасин.

«ОЛТИН НОН» ҚУШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

«INTEGRAL ASIA»

DELL

Ноутбукларининг бутун линейкаси

Мобиллик ва хавфсизлик
Технологиялар баркамоллиги

3 йилга тўлиқ кафолат!!!

Dell Inc нинг фақат ягона дистрибьютори
INTEGRAL ASIA мчЖдан

Тел.: 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

«Ижтимоий-маданий фаолият назарияси, усули ва уни ташкил қилиш», «Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик»

ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давоминда қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Ялангоч даҳаси, 127-«А» уй. Телефонлар: 262-03-23, 262-38-63.

Setko Магазин-салон **«УМНЫЙ ДОМ»**

www.setko.uz

- Мини-АТС,
- Видео-наблюдение,
- Контроль доступа (под заказ)

Тел.: 138-99-99, 137-29-88.

Товар сертифицирован



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлигасини Абдулҳамид Мажилий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри директори Абдуазиз Хошимовга вилдан муҳтарамаси **ХОСИЯТ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

